

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил декабрь ойининг 17 куни Бухоро вилоят жиноят ишлари бўйича Ромитан туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья У.Х.Ҳакимов, судья ёрдамчиси У.Жумаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ромитан туман прокурорининг катта ёрдамчиси Қ.Кличев, фуқаровий даъвогар Н.Милтиқбаева, судланувчи М.Маметдурдиев ва унинг ҳимоячиси-адвокат К.Йўлдошевнинг иштирокида, Маметдурдиев Муҳаммет Худайбергеновичга оид №1-2012-2402/148-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Маметдурдиев Муҳаммет Худайбергенович (Mametdurdyev Muhammet Xudaybergenovich) - 02.02.1970 йилда Пешку туманида туғилган, миллати туркман, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилалик, 2 нафар фарзанди бор, депутат эмас, муқаддам судланмаган, ЯТМФ билан шуғулланади, Ромитан туман “Қизил Работ” МФЙ “Қизилкум” кўчаси 21-уйда яшайди, унга нисбатан 29.10.2024 йилдан “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 10.11.2024 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи М.Маметдурдиев, Ромитан туман “Қизил Работ” МФЙ “Қизилравот” қишлоғида яшаб чўпонлик фаолияти билан шуғулланиб келиб, 2019 йил 23 сентябрь куни Милтиқбаева Насиба Кесеновна раҳбарлик қилиб келаётган “Қизилравот Чорва Замини” фермер хўжалиги балансидаги 185 бош қўйларни маълум ҳақ эвазига боқиб беришга келишган ҳолда олиб, бир неча йил давомида ушбу қўйларни боқиб келган бўлсада, Н.К.Милтиқбаева билан охирги маротаба 04.06.2024 йил куни ҳисоб китоб қилган вақтида ўзининг ихтиёрида бўлган ва унга боқиш учун ишониб топширилган Н.К.Милтиқбаевага тегишли умумий баҳоси 213.200.000 сўмлик жами 166 она бош қўй ва 28 бош қўзиларини топиб бера олмасдан бугунги кунга қадар уларни эгасига қайтариш чораларини



кўрмасдан ўзига ишониб топширилган ва унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлиги аниқланган.

Судда, судланувчи тариқасида сўроқ қилинган М.Маметдурдиев унга эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатмасида, у бир неча йиллардан буён чўпончилик билан шуғулланиб келишлигини, Н.Милтикбаева унга 2019 йилда 185 бош она қўйларни боқишга берганлигини, иккаласи оғзаки шартномага асосан у бир йил давомида ҳар ойда 1 млн. 500 минг сўм олий эвазига қўйларни боқиб беришга келишганликларини, Насиба опа берган қўйлар йўлда боқиб келганлигини, кўзилаганидан кейин у уларни қўшиб ҳисоб қилганлигини, Н.Милтикбаева вақти-вақти билан келиб қўйларни санаб кетганлигини, 2021 йил 30 январь кунигача Н.Милтикбаеванинг қўйларини ойлик иш ҳақи эвазига боқиб келганлигини, 30 январь 2021 йилдан кейин Н.Милтикбаева билан отарда туғилган кўзиларни тенг иккига бўлиб, ярим қисмини ўзига ва ярим қисмини унга иш ҳақи сифатида олишга келишганликларини, ўлган қўйлар уни хизмат ҳақи ҳисобидан айириб ташланганлигини, 2021 йил 16 август куни Н.Милтикбаева келиб жами бўлиб 179 она қўй ва 40 бош кўзиларни санаб кетганлигини, ўшанда у қўйларни махсус “г” шаклдаги белгисига қараб ажратганлигини, шу тариқа қўйларнинг сони ортиб борганлигини, 2024 йил май ойларида кўраҳонага барча қўйларни берган фуқаролар келиб қўй ва кўзиларини олиб кетишни бошлаганликларини, ўзи уларни ўз эгаларига ҳисоб китоб қилиб қайтарганлигини, 2024 йил 29 май куни Н.Милтикбаеванинг қўйлари тукқан кўзилари билан ҳисоблаганида жами 294 бош қўй ва кўзилар бўлиши лозимлигини, аммо тўлиқ сони чиқмаганлиги сабабли Н.Милтикбаева унга қўй ва кўзиларини тўлиқ қилиб топишини айтиб кетганлигини, 2024 йил 4 июнь куни Насиба опа кўраҳонага келиб ўзининг 50 бош қўйи ва 50 бош кўзиларини санаб олиб кетганлигини, ўшанда яна ҳисоб китоб қилганида, у кишига 166 бош она қўй ва 28 бош кўзи бериши керак бўлганлигини, аммо ўзи шу қўй ва кўзиларни топиб бера олмаганлигини, Н.Милтикбаеванинг дафтардаги барча ёзувларни уни ўзи ёзиб киритганлигини, кўпчилик ҳолатларда қўйлар нобуд бўлиб кетганлигини озуқа йўқлигидан, айримларини сотганлигини, қолган бир қисми эса чўл катта бўлганлиги сабабли бўлиниб айрилиб йўқолиб кетганлигини, жами 166 бош она қўй ва 28 бош кўзи бериши лозимлигини, ҳозирда оила аъзоларининг ёрдамида фуқаровий даъвогарга етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини айтиб, қамоқ билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо тайинлашни сўраган.

Судда, судланувчи М.Маметдурдиевнинг айби: айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатмасидан ташқари куйидагилар билан ўз тасдиғини топади.

Жумладан:

Судда, **фуқаровий даъвогар** тариқасида сўроқ қилинган Н.Милтикбаева ўз кўрсатмасида, 1997 йилдан буён “Қизил Равот” МФЙ худудидаги оилавий шифокорлик пунктида шифокор лавозимида ишлаб келаётганлигини, 2017 йил 22 сентябрь кунда “Қизил Равот Чорва Замини”



фермер хўжалигини ташкил қилиб, жами 5300 гектар яйлов ер майдонини ижара шартнома асосида ажратилганлигини, сўнг чорвачиликни ривожлантириш мақсадида давлат ширкатида мавжуд жами 280 бош она қўйларни 62 млн. 721 минг сўмга баҳолаб сотиб олганлигини, сўнг маълум вақт уларни ўзи оила азолари билан бирга боққанлигини, кейин орада ишлари кўпайиб қўйларни боқолмаслигини ўйлаб чўпон қидириб, 2019 йил 23 сентябрь ойда чўпон Маметдурдиев Муҳаммет Худайбергеновични суриштириб топганлигини, у билан Ромитан туман “Қизил Равот” МФЙ худудида жойлашган “Гулнур Сабир” фермер хўжалиги раҳбари Алимбаев Алдабайга қарашли яйловли ерида жойлашган қўйхонаси олдида у билан кўришиб, ўзаро оғзаки келишувга асосан унга қарашли жами 185 бош бари она қўйларни, ойма ой тўлов сифатида 1 млн. 500 минг сўм пуллар эвазига қўйларни боқиши тўғрисида келишганлигини, бу гапларни Ахпанбетов Қувончбек гувоҳи бўлди ва Маметдурдиев Муҳаммет Худайбергеновичга қўйларни келтириб топширганлигини, орадан йиллар ўтиб қўйлари янги туғилиб кўпайиши сабабли кейинги туғилган қўйларга сирға қўймаганлигини, дастлаб М.Маметдурдиевга ойма ой ойлик тўлаб келганлигини, чўпонга 2021 йил 30 январь кунидан бошлаб ойлик сифатида ҳар йили туғилган қўзиларнинг тенг яримга бўлиб олишга келишиб, унга ойма ой ойлик тўламайдиган бўлганлигини, чўпоннинг ойлиги шундай ҳисобланганлигини, бундай келишув қондаси бўйича умуман қўй ўлмаслиги, агар ўлса ҳам чўпон зарар кўрса ҳам жойига жой тўлдириб қўйишига келишганликларини, ўзи шундай келишган бўлса ҳам ҳар йили жами 3-4 тага яқин қўйларни ўз ҳисобидан ўлган сифатида чиқарганлигини, 2023 йил июнь ойига келиб жами 299 бош она ва қўзиларидан 65 бош қўзиларни жами 20 млн. сўмга чўпон бошқаларга сотиб унга пулини берганлигини, 2024 йил 29 май ойига келиб туғилган қўзи 80 бош уни қўшганда жами 296 бош бўлганлигини, буни чўпон қўй ва қўзилари бор деб ўзини дафтарга имзосини қўйиб тасдиқлаганлигини, қўйлар бўлиниб бўлиб кетган яйловдан топиб келиши кераклигини, бугун эрта топиб беришлигини айтганлигини, ж.й.нинг 4 июнь куни чўпон қўйларни қўра хонасига тўплаб 50 бош она қўй ва 50 бош қўзи ажратиб унга берганлигини, сўнг ўрталарида қолган жами 166 она қўй ҳамда жами 28 бош қўзи қолганлигини, уларни унга топиб бера олмаганлигини, судланувчи М.Маметдурдиев томонидан унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, судланувчига нисбатан жазо тайинлашда бирон бир даъвоси йўқлигини баён қилди.

Судда, **гувоҳ** тариқасида сўроқ қилинган А.Нуратдинов ўз кўрсатмасида, судланувчи М.Маметдурдиев ҳамқишлоғи бўлишлигини, у одамларнинг қўйларини боқиш билан шуғулланиб келишлигини, у қўйиларни “Қизил Равот” МФЙ “Қизилқум” қишлоғидаги чўлларда боқиб келганлигини, 2023 йил декабрь ойларида ўзига тегишли бўлган жами 104 бош қўй ва эчкиларини Маметдурдиев Муҳаммет Худайбергеновичга боқишга бериб, 1 млн. сўмдан ойлик беришга келишганликларини, 2024 йил май ойида ушбу 70 бош қўй, 34 бош эчки, жами 104 бош қўйларимни тўлиқлигича ундан қайтариб олганлигини, унга нисбатан ҳеч қандай даъво



эътирози йўқлигини, у 2023 йил декабрь ойида судланувчига жами 104 бош қўйларини бераётган вақтида уларни ажралиб туриши учун ҳар битта қўйнинг қулоғини кесиб берганлигини, шундан сўнг 2024 йил май ойида ушбу 104 бош қўйларимнинг ҳар бирини ўз белгиси билан ажратиб қабул қилиб олганлигини, унга бошқа белгидаги қўйлар берилмаганлигини ва у ҳамма қўйларини тўлиқлигича қайтариб олганлигини, унга бошқа фуқароларнинг қўйлари аралашиб келмаганлигини, қўйларига ўзи қўйган белгилар асосида ўз қўйларини қабул қилиб олганлигини, ҳозирда судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини, унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини маълум қилиб, судланувчига нисбатан қонуний енгиллик беришни билдирди.

Судда, **гувоҳ** тариқасида сўроқ қилинган П.Алламуратов ўз кўрсатмасида, 2021 йил февраль ойларида аммаси Атлиева Сонанинг турмуш ўртоғи Маметдурдиев Муҳаммет Худайбергеновичга 120 бош қўйларимни боқиб бериши учун Ромитан туман “Кизил Равот” МФЙ “Кизилқум” қишлоғидаги чўлларнинг ичида жойлашган кўшига олиб бориб топширганлигини, ушбу 120 бош қўйдан ҳар йилда туғилган қўзиларининг 50 фоизини унга бериш шарти билан келишиб, у 2024 йил июнь ойига қадар қўйларини боққанлигини, 2024 йил июнь ойига келиб 64 бош қўй, 27 бош қўзи, жами 91 бош қўй қўзиларни судланувчи М.Маметдурдиевдан тўлиқ қайтариб олганлигини, қўйларини қабул қилиб олишда уларнинг ўнг қулоғининг устки қисми қирқилган ҳолда бўлгани белгисидан ажратиб олганлигини, аслида ушбу қўй-қўзиларининг сони 127 бош бўлиши кераклигини, аммо унга нисбатан даъво ва эътирози йўқлигини, сабаби 2022 ва 2024 йилга қадар чўл худудида ўсимлик бўлмаганлиги ва қўй қўзиларнинг нобут бўлишига сабаб бўлганлигини кўриб гувоҳи бўлганлигини, у 2021 йил февраль ойида судланувчи М.Маметдурдиевга 120 бош қўйларини бераётганида, уларни ажралиб туриши учун ҳар битта қўйнинг ўнг қулоғи устки қисмини қирқилган ҳолдаги белгиси билан берганлигини, 2023 йил июнь ойида қўйларини шу белгисидан ажратиб олганлигини айтиб ўтди.

Судда, **гувоҳ** тариқасида сўроқ қилинган С.Атлиева ўз кўрсатмасида, судланувчи Маметдурдиев Муҳаммет Худайбергенович унинг турмуш ўртоғи бўлишлигини, турмуш ўртоғи анча йиллардан буён “Кизил Равот” МФЙ “Кизилқум” қишлоғидаги чўлларда чўпонлик қилишлигини, у одамларнинг қўйларини боқиб, эвазига улардан ойлик маош олиб келганлигини, 2019 йил сентябрь ойларида ҳамқишлоғи Милтиқбаева Насиба Кенесовнадан жами 185 бош қўй-қўзиларини боқиб бериш эвазига олганлигидан хабари борлигини, аммо иш ҳақини қандай келишганликларидан хабари йўқлигини, турмуши давомида турмуш ўртоғи М.Маметдурдиев 2021 йил август ойларида ҳамқишлоғи Э.Шакитбаевдан “УАЗ” русумли автомашинасини, ўзига тегишли бўлган 20 бош қўй ва эчкиларни 16 миллион сўмга ҳисоблаб бериб сотиб олганлигини, турмуш ўртоғи М.Маметдурдиев 2019 йилдан 2024 йилга қадар қимларнинг қўйини боққан бўлса, уларни ҳеч кимга сотмаганлигини ва ўз эҳтиёжлари учун



ишлатмаганлигини, агар сотган бўлса ҳам у бу ҳақида эшитмаганлигини, турмуш ўртоғи унга ҳеч қачон ўз ишлари тўғрисида ҳисобот бермаганлигини, у доим ўтовда уй рўзгор ишлари билан банд бўлиб келганлигини, фуқаровий даъвогарга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли турмуш ўртоғига нисбатан қамоқ билан боғлиқ бўлмаган енгироқ жазо чораси тайинлашни сўраган.

Судда, **гувоҳ** тариқасида сўроқ қилинган М.Худайбергенов ўз кўрсатмасида, судланувчи Маметдурдиев Муҳаммет Худайбергенович унинг отаси бўлишлигини, у киши кўп йиллардан буён чорвачилик билан шуғулланиб келишлигини, 2019 йил отаси “Қизил Равот” МФЙда яшовчи Милтикбаева Насиба Кенесовна ўзининг қўйларини боқиш мақсадида келтириб берганлигини, отаси 5 йил давомида қўйларни боқиб келганлигини, Н.Милтикбаеванинг ўзи келиб қўйларини сотиш учун олиб кетиб турганлигини, отаси кимлар билан олди-берди қилганлигидан хабари йўқлигини, отасининг бировларга мол сотганлигини эшитмаганлигини, 2021 йил август ойида отаси Й.Шакитбаевдан “УАЗ” русумли автомашинани ўзиларининг 10 бош қўй ва 10 бош ечкиларни бериб олганлигини, у уйдан 40 км. узоқда жойлашган техникумда ўқишлиги ва кўп вақт давомида уйдан узоқда бўлганлигини, фуқаровий даъвогарга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли отасига нисбатан қамоқ билан боғлиқ бўлмаган енгироқ жазо чораси тайинлашни сўраган.

Судланувчи **М.Маметдурдиев**нинг айби, суд мажлисида ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатуви ҳамда иш бўйича фуқаровий даъвогар Н.Милтикбаева, гувоҳлар А.Нуратдинов, П.Алламуратов, С.Атлиева ва М.Худайбергеновнинг кўрсатмалари, шунингдек, жиноят ишида тўпланган қўйидаги далиллар, жумладан: 06.06.2024 йилдаги фуқаровий даъвогарнинг аризаси, 17.06.2024 йилдаги воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, 28.06.2024 йилдаги нарса ва буюмларни кўздан кечириш ҳамда олиб қўйиш баённомаси, 05.10.2024 йилдаги воқеа жойини кўздан кейириш баённомаси ва фотосуратлар, 28.10.2024 йилдаги нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш қарори ҳамда суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ текширилган далиллар билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 17.04.1998 йилдаги 11-сонли “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, мансаб вазифалари ёхуд шартномавий муносабатларга кўра, ўзганинг мулкани тасарруф қилиш, бошқариш, етказиб бериш ёки сақлаш бўйича қонуний ваколатларни амалга оширувчи шахснинг мазкур мулкни қонунга ҳилоф равишда текинга ўзининг мулкига ёки бошқа шахснинг мулкига айлантириши айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш деб (ЖКнинг 167-моддаси) тавсифланиши лозимлиги белгиланган.



Суд, судланувчи М.Маметдурдиевнинг жиноий ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан унинг ҳаракатлари айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судда аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, судланувчи М.Маметдурдиевни ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан жавобгарликка тортишни мақсадга мувофиқ ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 4-қисмида, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖКнинг 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланиши, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланиши, 4-бандида, қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шартлиги белгиланган.

Суд, шунга кўра, судланувчи М.Маметдурдиевга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, айбига қисман иқрорлигини ва чин кўнглидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, муқаддам судланмаганлигини, моддий зарар қопланганлигини, фуқаровий даъвогарнинг даъвоси йўқлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаган деб ҳисоблаб, уни ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топишни ва унга шу модда билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига мувофиқ, судланувчининг 29.10.2024 йилдан 17.12.2024 йилга қадар қамоқда бўлган 50 кун муддатини унга мазкур ҳукм юзасидан тайинланган асосий жазодан чегириб ташланган ҳолда, қамоққа олишнинг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишларининг уч кунига тенглаштириб, унга ўташ учун иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йилу 7 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдиришни, тайинланган ахлоқ тузатиш



ишлари жазосини мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатиришни, жазони ўташ муддатини корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан ҳисоблашни, жазо ижросини назорат қилишни маҳкумнинг яшаш жойидаги туман ИИБ зиммасига юклатишни, М.Маметдурдиевга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргунга қадар “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасига ўзгартиришни, М.Маметдурдиевни суд залидан қамоқдан озод қилишни, фуқаровий даъвогар Н.Милтиқбаеванинг судланувчига нисбатан даъводан йўқлигини инобатга олишни, манфаатдор тарафларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни мақсадга мувофиқ ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 466-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд,

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Маметдурдиев Муҳаммет Худайбергенович (Mametdurdyev Muhammet Xudaybergenovich), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.

М.Маметдурдиевга ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига мувофиқ, М.Маметдурдиевнинг 29.10.2024 йилдан 17.12.2024 йилга қадар қамоқда бўлган 50 куни унга мазкур ҳукм юзасидан тайинланган асосий жазодан чегириб ташланиб, қамоққа олишнинг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб, унга ўташ учун иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йилу 7 (етти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатириш белгилансин.

Жазони ўташ муддати корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш маҳкумнинг яшаш жойидаги туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

М.Маметдурдиевга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргунга қадар “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасига ўзгартирилсин.

М.Маметдурдиев суд залидан қамоқдан озод қилинсин.

Фуқаровий даъвогар Н.Милтиқбаеванинг судланувчига нисбатан даъводан воз кечганлиги инобатга олинсин.

Манфаатдор тарафларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.



Хукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, маҳкум ва жабрланувчилар эса ҳукм кўчирма нусхасини олган кунларидан бошлаб 10 сутка ичида Бухоро вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят бериши ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи судья:

(имзо)

У.Х.Ҳақимов

нусхаси аслига тўғри: _____

